

ЭЪЛОН!



20:14 / 21.11.2019 2617

Рабиъул аввал ойи ҳар бир мусулмон инсон учун ўзгача аҳамият касб этиши табиий. Зотан, бу ойда ҳабибимиз, оламларга раҳмат қилиб юборилган пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келганлар.

Устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ҳар йили рабиъул аввал ойида мавлид анжуманларини ташкил қилиб, ўзлари бош бўлиб, уни кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтказар эдилар. Шундан буён мавлид гўзал анъанага айланиб қолди.

Бу йилги мавлид «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» номли мажмуада ўтказилиши режалаштирилган.

Тадбир ҳижрий 1441 сана 26 рабиъул аввал, милодий 2019 йил 23 ноябрь шанба куни аср намозидан сўнг бошланади. Унда асосий маърузалар «**Муҳаммад алайҳиссалом – Аллоҳнинг Расули**» мавзусида бўлиб ўтади. Маърузалар юртимиздаги таниқли аҳли илмлар тарафидан илмий-оммабоп услубда тақдим этилади.

Тадбирда араб ва ўзбек тилидаги нашидалар ҳам ўрин олган. Ушбу мавлид анжумани барча учун очиқ. Марҳамат қилинг!

Дарвоқе, бу йилги мавлид анжуманида кўзи ожизлар ва имконият чекланган диндошларимиз учун алоҳида шароитлар яратилмоқда. Тадбирда сурдо таржимонлар ҳам жалб қилинади.

Шунингдек, бир **йиллик танлов** иштирокчилари Ҳалилов Умиджон Абдуҳаким Хожи ўғли, Бобур Муҳаммадий, Авазбек Мўминов, Охунжон Охунов, Абу Бакр Сиддиқ, Юлдуз Қурбонова, Ҳамидуллоҳ Муҳаммад Содик;

Тест ғолиблари Охунжон, Суннатулло Жўраев, Аҳмад Раҳмонов, Бахтихон Шарипова;

Рабиъул аввал ойи муносабати билан «**Муҳаммад алайҳиссалом – Аллоҳнинг Расули**» шиори остида мақола тақдим этган танлов иштирокчилари Дилшод Солиҳов, Иброҳим Мамараилов, Даврон Нурмуҳаммад, Саодат Аҳмад, Юнусхўжа Орифахон, Азиз Мансуровларни 23 ноябрь шанба куни соат 15:30 да «Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф» мажмуасида бўлиб ўтадиган мавлид маросимига таклиф этамиз.

PS: Танлов иштирокчилари, исм-шарифингиз ва телефон рақамингизни тўлиқ ҳолда ёзиб, қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.

Телеграм бот: [@islomuztanlov_bot](https://t.me/islomuztanlov_bot)

«Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф» мажмуаси маъмурияти